



ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СУДЬЯЛАР ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Сафаров Тахиржон Баходирович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада судьялар юридик жавобгарликка тортиш масалалари бўйича хорижий тажриба очиб берилди ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Аннотация: В статье раскрывается зарубежный опыт по вопросам привлечения судей к юридической ответственности и рассматриваются вопросы его имплементации в национальное законодательство.

Abstract: The article reveals foreign experience on the issues of bringing judges to legal responsibility and considers the issues of their implementation into national legislation.

Калит сўзлар: Судьянинг дахлсизлиги, судьянинг жавобгарлиги, интизомий жазо чоралари.

Ключевые слова: Неприкосновенность судьи, ответственность судьи, дисциплинарные взыскание.

Keywords: Immunity of the judge, liability of the judge, disciplinary measures.

Ҳар бир мамлакатда судьяларнинг юридик жавобгарлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Бу тарихий ривожланиш натижалари, сиёсий тизимлар, давлат механизми ва тизимидаги фарқлар, маданий анъаналар ва давлат фуқароларининг ҳуқуқий онги даражасига боғлиқдир.

Шу билан бирга, чет эл тажрибасини ўрганиш анъанавий равишда



барча ривожланган мамлакатлар томонидан ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда, айрим процессуал институтларни ўзгартиришда, амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган қонун нормаларини такомиллаштиришда ёки кичик тузатишлар киритишда самаралидир.

Судьяларнинг жавобгарлиги борасида Европа Иттифоқи давлатлари тажрибасига қаралса, Иттифоқнинг аксарият мамлакатлари қонунчилиги Судьяларнинг жиноий жавобгарлиги учун махсус иммунитетларни белгиламаган. Шунингдек, Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг “Судьялар: мустақиллик, самарадорлик ва мажбуриятлар тўғрисида”ги Тавсияларининг 71-бандига кўра, судья ўз вазифаларини тўғри бажармай қонунбузилиш содир этса, у бошқа фуқаролар сингари фуқаролик, жиноий ёки маъмурий қонунчиликка биноан жавобгарликка тортилиши мумкин. Судьялар одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари доирасида содир этган жиноятлари учун умумий тартибда жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Шу билан бирга, улар ўз вазифаларини бажаришда қасдан қонунбузарлик содир этмаган тақдирда жавобгарликка тортилмаслиги керак¹.

Англияда судьяни импичмент орқали дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин. Шундай қилиб, импичмент ҳолатга қараб - инглиз юқори судларининг судьялари импичмент орқали лавозимидан четлаштирилиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, қуйи судларнинг судьялари эса тўғридан-тўғри лорд-канцлер томонидан олиб ташланиши мумкин.

Францияда бўлгани каби Германияда ҳам судьянинг жиноий жавобгарликдан дахлсизлиги йўқ. Ушбу мамлакатларда судьялар умумий асосда жиноий таъқиб қилинади. Шу билан бирга, Португалияда жиноий жавобгарликдан қисман дахлсизлик мавжуд, чунки судья тегишли органларнинг рухсатсиз жиноят содир этилган жойда агар бундай жиноят учун 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган

¹ “Regarding judges: independence, efficiency and responsibilities” Recommendation of the Committee of Ministers of the Council of Europe to member states of 17 November 2010 № CM / Rec (2010) 12. URL: http://zakon2.rada.gov.ua/laws/show/994_a38 (appeal date: 08.02.2023).





бўлса ушланиши мумкин. Ушбу давлатлардан фарқли ўлароқ, Литва судьяларнинг жиной жавобгарликдан тўлиқ дахлсизлигини жорий этган.

Европа Иттифоқида судьяларнинг фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида шуни таъкидлаш керакки, энг кенг тарқалган қоида - судьялар суд қарорлари натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод қилинади. Бундай зарарни қоплаш давлат томонидан таъминланади. Бироқ, судьянинг бундай дахлсизлиги мутлақ эмас. “Судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги Европа Хартиясининг 5.2-бандида, агар судья ўз вазифасини қўпол равишда бузган ҳолда зарар етказган бўлса, давлат судьядан зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин².

Ушбу тамойилни Италия ва Чехия каби баъзи Европа мамлакатларининг амалиётида самарали ишлаётганини кўриш мумкин. Мазкур мамлакатларда судья, агар у ўз вазифаларини қасдан ёки қўполлик билан бажармаган бўлса ва бу ҳолат суднинг ёки бошқа органнинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган бўлса, судья давлат томонидан фуқаролик жавобгарлигига тортилиши мумкин³.

Европа Иттифоқи қонунчилигининг умумлаштирилиши шуни кўрсатадики, судьяни интизомий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш ёки лавозимидан озод этиш асослари қуйидагилар:

- 1) судья қонунда белгиланган мажбуриятларини бажармаслиги ёки уларни адолатсиз бажариши (Франция, Литва, Белгия, Германия, Италия, Полша, Словения);
- 2) судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя қилмаслиги, шу жумладан, суд ҳокимияти ишончига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатлар содир этиши (Литва, Кипр, Эстония, Италия);
- 3) процессуал қонунчилик нормаларига риоя қилмаслик, шу жумладан, процессуал муддатларни кечиктириши (Эстония, Словения);
- 4) судьянинг судьялик мақомига путур етказадиган ёки одил судлов

² On the Law on the Status of Judges: European Charter, 10.07.1998, <https://rm.coe.int/16807473ef> (last seen date: 08.02.2023).

³ Модернизация статуса судьи: современные международные подходы / отв. ред. Нешатаева Т. Н. – М.: Норма: ИНФРА 2011. – С. 206.



манфаатларига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар содир қилиши (Франция, Литва, Полша);

- 5) судья лавозими учун белгиланган чекловларга риоя қилмаслиги (Литва);
- 6) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиши (Литва);
- 7) одил судловни амалга оширишда қонунчиликка риоя қилмаслиги (Полша);
- 8) бепарволик туфайли суд ишларида камчиликлар мавжудлиги;
- 9) ўз вазифаларини бажара олмаслиги (Малта)⁴.

Германия, Франция, Португалия каби баъзи давлатлар қонунчилигида судьяларнинг интизомий жавобгарлигини белгилайдиган қонунбузарликлар асослари ёки алоҳида турларининг аниқ рўйхати белгиланмаганлиги характерлидир. Шу билан бирга, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги асослари алоҳида қонунда ҳам (Франция), судьялар мақомини ва уларнинг жавобгарлигини тартибга солувчи бир нечта қонунларда ҳам (Германия, Португалия) белгиланганини кузатиш мумкин.

Интизомий ишларни кўриб чиқадиган органлар бўйича Европа мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, иккита асосий модел мавжуд. Ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, биринчи модел суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига асосланган бўлиб, судьяларга оид барча масалаларни судьялардан иборат мустақил суд органи - интизомий судлар (Австрия, Германия, Полша, Чехия) ёки унинг аналоглари (Испания) томонидан кўриб чиқишни назарда тутди. Иккинчи модел эса, аралаш орган тузишни ўз ичига олади (Франция, Италия, Португалия)⁵.

Интизомий жазолар масаласига келсак, Германия, Франция, Португалия ва Литва қонунчилиги судьяларга нисбатан белгиланиши мумкин бўлган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун кенг қамровли жазо чораларини назарда тутди. Шу билан бирга, санкциялар даражасига кўра, ишдан

4 Клеандров М.И. Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение: монография / отв. ред. Славин М.М. – М.: Юристъ, 2002. – С. 548.
International standards in the field of ethics and conduct of judges. Legal journal. 2010. № – P. 10, 75. Kvasnevska N.D. Legislation of European countries on criminal liability of judges for injustice. Court Appeal. 2009. № 2 (15). – P. 210., Паришкура В.В., Юридична відповідальність суддів в Україні та країнах Європейського Союзу: порівняльно-правовий аналіз. дис. ... канд. юрид. наук. – Харків, 2017. – С. 19-20.

5 Модернизация статуса судьи: современные международные подходы / отв. ред. Нешатаева Т. Н. – М.: Норма: ИНФРА, 2011. – С. 208.





бўшатиш жазонинг энг оғир туридир. Бундан ташқари, Литвадан ташқари, Германия, Франция ва Португалия қонунчилигида судьяга молиявий характердаги интизомий санкциялар қўллашни ҳам кўзда тутилган.

Германия федерал тизимга эга бўлиб, давлат фаолияти 2 даражада амалга оширилади: федерал ва минтақавий⁶. Давлат тизимининг ушбу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Германиядаги профессионал судьялар Федерация хизматидаги судьяларга ва федерация таркибига кирувчи ҳудудлар судьяларига бўлинади ҳамда уларнинг фаолияти мос равишда Германия судьялари тўғрисидаги қонун ва шунга ўхшаш федерация таркибига кирувчи ҳудудлар қонунлари билан тартибга солинади⁷.

Федерация даражасидаги судьяларнинг ҳам, федерация таркибига кирувчи ҳудудлар судьяларининг ҳам жавобгарлиги тўғрисидаги умумий қоидалар “Германия судьялари тўғрисидаги Қонун”да кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 26-§ 1-бандига биноан судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган иккинчи даражали мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун унга танбех бериш ёки огоҳлантириш берилади. Бу судьянинг маъмурий фаолияти бўйича ёки ишни кўриб чиқишни кечиктириш каби фактларнинг мавжудлиги юзасидан қўлланилиши мумкин. Танбех ва огоҳлантириш интизомий жазо чоралари эмас, балки назорат чоралари ҳисобланади. Мазкур расмий назорат суд раиси (девоп раҳбари) томонидан амалга оширилиши мумкин⁸.

Шуниси эътиборга лойиқки, Германияда судьяларни мажбуриятларини бузганлиги ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли ишдан бўшатиш ҳолати жуда кам учрайди. Бу судьяларнинг тайёргарлиги ва касбий маҳоратининг юқори даражада эканлиги, судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси юқори эканлиги, суд ҳисоботининг самарали тизими ҳамда судларда коррупциянинг паст даражасидан далолат беради.

6 Админістративне право зарубіжних країн: курс лекцій / за ред. Кузьменко О. В.; НАВС. – К.: Юрінком Інтер, 2014. – С. 65.

7 Deutsches Richtergesetz, Ausfertigungsdatum: 08.09.1961. URL: http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht_/drig/gesamt.pdf (Datum der Bewerbung: 22.08.2021).

8 Nazarov I.V. Judicial systems of the European Union and Ukraine: genesis and comparison: monograph. – Kharkiv: FINN Publishing House, 2011. – P. 246.





Францияда судьялар ва прокурорлар (магистратлар⁹) мақоми “Магистрат мақоми тўғрисида”ги Органик қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 43-моддасига кўра, судьялар, шунингдек, бошқа давлат хизматчилари ўз лавозим вазифаларини бузганликлари учун интизомий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилади. Қонунга кўра, бундай хатти-ҳаракати - бу бирон бир расмий вазифани бажармаганлик, судьянинг одоб-ахлоқига шубҳа туғдирадиган ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлардир¹⁰.

Шуни таъкидлаш керакки, Францияда истеъфодаги судьялар ўзи ишлаган суд юрисдикциясига кирадиган ҳудудда адвокатлик фаолияти билан шуғуллана олмайди.

“Магистрат мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасига биноан, магистратларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- танбеҳ бериш;
- бошқа лавозимга ўтказиш;
- маълум вазифаларни бажаришдан четлатиб туриш;
- судьянинг суд ишларини яқка ўзи кўриб чиқиш ҳуқуқига эга лавозимларда ишлашини беш йилгача бўлган муддатга тақиқлаш;
- унвонини пасайтириш;
- судьялик лавозимидан иш ҳақидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилган ҳолда 1 йилгача бўлган муддатга четлатиш;
- лавозимини пасайтириш;
- ёши катта бўлса мажбурий пенсияга чиқариш;

⁹ Францияда Конституция ва қонунларга кўра, давлат ҳокимияти кучига эга қарорлар қабул қилиш ваколати бўлган кишилар. Абдрасулов Е.Б. Некоторые аспекты подготовки кандидатов и отбора на судебские должности во Франции и Испании. Д.ю.н., профессор. // <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-aspekty-podgotovki-kandidatov-i-otbora-na-sudeyskie-dolzhnosti-vo-frantsii-i-ispanii>

¹⁰ Ordonnance № 58-1270 du 22 décembre 1958 portant loi organique relative au statut de la magistrature. URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do?cidTexte=JORFTEXT000000339259#LEGISCTA000006118278> (dernière consultation : 08.02.2023).



- ишдан бўшатиш¹¹.

Францияда судьяларни жиноий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби йўқ ва бошқа фуқаролар билан сингари жавобгарликка тортилади.

Судьянинг судьянинг нотўғри хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти давлат зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, “Магистрат мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 111-моддасига мувофиқ, ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказган магистратлар давлатнинг мурожаати асосида жавобгарликка тортилиши мумкин¹². Бундай мурожаат кассация судининг фуқаролик ишлари бўйича палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда судьяларнинг жавобгарлиги институтини такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

судьянинг фақатгина унинг одил судлов билан боғлиқ фаолияти бўйича дахлсизликка эга бўлишини, бошқа ҳолатларда эса улар оддий фуқаролар каби жавобгарликка тортилишини белгилаш;

миллий қонунчиликни судья ўз вазифасини қўпол равишда бузган ҳолда зарар етказган бўлса, давлат судьядан зарарни қоплашни талаб қилиши мумкинлиги ҳақидаги норма билан бойитиш;

судьялар томонидан содир этилиши мумкин бўлган интизомий жазога лойиқ ҳуқуқбузарликларнинг оғирлик даражаси турлича бўлганлиги сабабли, ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига мос жазо тайинланишини таъминлаш учун интизомий жазо турларини ҳам кенгайтириш.

11 Ordonnance № 58-1270 du 22 décembre 1958 portant loi organique relative au statut de la magistrature. URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do?cidTexte=JORFTEXT000000339259#LEGISCTA000006118278> (dernière consultation : 22.08.2021).

12 Ordonnance № 58-1270 du 22 décembre 1958 portant loi organique relative au statut de la magistrature. URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do?cidTexte=JORFTEXT000000339259#LEGISCTA000006118278> (dernière consultation : 08.02.2023).

